

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ҳосил—91
Ҳосил—91
УЮШҚОҚЛИК



ҒАЛАБА ноҳиясидаги «Коммунизм» шўро хўжалиги далаларидаги ҳосил...



Бригада бошлиғи Шоди Юсупов, ёш механик-ҳайдовчи...



Шайбой Рўзमतова, хўжалик бош агрономи Узоқ Мажи...

УЮШҚОҚЛИК
БИЛАН
ТЕРИМНИ уюшқоқлик билан олиб бораётган Сегизбе...

Икки хушxabар

МЕХНАТГА ЯРАША ХИРМОН УЙИЛДИ

ДАВЛАТГА 3700 тоннадан кўпроқ пахта топириб, зимманидаги режани...

Қарс икки қўлдан, деганларидек, дехқонларимиз уюшқоқлик курсатдилар...

Механик-ҳайдовчилар ва теримчилар ўз вақтида рағбатлантириб борилади...

Ремани бақаришда туринчи, учинчи, иккинчи бўлимлар, Жўра Дўстмухамедов...

ПАХТА БИРЖАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Фақат сифат жиҳатдан янги иқтисодий тузилмаларгина мамлакат иқтисодиётини чуқури...

Бу амалий учрашувдан кўзда тутилган асосий мақсад — Москва товар биржаси...

Биржаларда сота бошласан керак. Масала бунинг қандай ташкил этилишига боғлиқ...

Сўбатчилар янги иқтисодий муҳокима қилишга, мамлакатни янгилашнинг бошқа муҳим муаммоларини ҳал...

Шу амалий учрашув самардорлигини намайитган бирдан-бир нарсаси — пахта етиштирувчиларнинг ўзлари...

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

ФАХРИЙЛАР МИННАТДОР

КАЛИНИН НОҲИЯСИДАГИ КАЛИНИН НОМИЛИ КОЛХОЗДА МЕХНАТ ВА УРУШ...

Бу тадбир ахши аниқлиги айланиб қолди.

Биз, — дейди хўжалик меҳнат ва уруш фахрийлари...

Хўзирги бозор иқтисоди шартларида ҳар қилинган мақо...

Қуни неча колхоз ҳисобидан ақратилган 6,5 минг сўм пул ўтказилиб, муштарий фахрийларнинг исм-шарифлари билан...

18 ИШ КУНИДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Ким Пен Ха жомла жамоа хўжалиги пахта...

парваринидаги барча тадбирларини вақтида тула-тухмас адо этишга ҳаракат қилиди...

Хамма ган иқтисодиётини мустақамлашга йўналтирилган усулларни да...

Уч йилдан буён пахтачиларида иккундур қўлланалиб келинмоқда. Жорий йилда 850 гектар майдонга пахта...

У. ХАМИЛОВ,
Х. СУЛАЙМОНОВ.

ОБУНА-92
Ўзбекистон Республикаси
ҚАДРАОН
РЎЗНОМАНГИЗГА
ЎЗИЛИШНИ
УНУТМАНГ!
1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда...



ЯНГИ ПАРТИЯ—ЯНГИЧА ФИКРЛАЙДИГАНЛАР УЧУН

Ўзбекистон халқ-демократик партияси Компартиянинг ҳукукий вояси деб эълон қилингандан сўнг янги партиянинг асосини коммунистлар ташкил этиши ҳеч кимга...

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Table with 5 columns: Location (e.g., Ғалаба, Ўрта Чирчиқ), Harvest (Ҳосил), and other metrics. Rows list various locations and their corresponding harvest data.

• Вилоят шаҳар ва ноҳиялари йўқламаси •

БУГУНГИ ҚИБРАЙ

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА— БОШ МАСАЛА

Қибрай райони меҳнаткашлари вилоятимиз, пойтахт шаҳри аҳолисига сабзавот, картошка, узум ва мева етиштириб бериш ишига муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Бу ерда сўнгги йилларда чорвачилик, паррандачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор ортиди. Район Совети иқтисодиётимизда танглик юз берган ҳозирги шароитда аҳолининг моддий ва ижтимоий муҳофаза этиш бўйича ўзининг аниқ тадбирларига эга. Биз ана шу режалар мазмунини, эришяётган натижалар ҳақида ҳалқ депутатлари район Кенгаши раиси Абдусамат НОСИРОВ билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Абдусамат Носирович, ҳозирги маҳаллақатли даврда энг муҳим масалалардан бири аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишидир. Бу борада бир қатор фармонлар қабул қилинган бўлиши ҳам маънавиятга эътиборни кўрсатмоқда. Район Кенгашида фармонлар ижроси қандай бораётгани тўғрисида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, жумҳуриятимиз Президентини рўй берган аҳволдан келиб чиқиб аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган бир қанча фармонлар қабул қилди. Улар ҳаётини ва долзарб ҳужжатлардир. Биз уларни бажариш йўллариини излаб топишга интилимиз. Кишиларга томоғра ажратиб, чорва моллари ҳамда ем-хашак билан таъминлаш аҳолининг кўп йиллик ораси бўлсада, бунинг район шароити учун бу нарсани анча мураккаб эканлиги сезилмоқда. Бунинг боиси бор. Лалмикор ерларимиз йўқ. Шунинг учун ҳужаликларда ғалла жуда оз экилади. Агар ҳозирги қўшимча яна минг гектар ерга озуқа эксакин аҳоли эҳтиёжини қондирилган бўларди. Шунга қарамадан биз албатта чора-тадбирлар қўлламоқчимиз. Ҳозиргача оилаларга 300 бош ўрнига 498 бош қорамол, 284 минг ўрнига 588 мингта парранда берилди. Лекин уларни озуқа билан таъминлаш, юқорида айтганимдек, оғир нечати. Шунинг учун ҳам мавжуд бекдорлардан ташқари мевазор, тоқорлар оралиғидаги, ариқ-зовулар чеккаларидаги ўтларни ўриб олиб, тарватини йўлга қўйдик.

Районда мавжуд 9 минг гектар сувли ерда 270 гектари аҳолига томоғра сифатида ажратиб берилди. Ўқитувчилар ҳамда болалар уйлари тарбиячиларга берилган ижтимоий хўжалик келсак, бу борада талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Фармон чиққанидан то ҳозирги кунгача 125 нафар ўқитувчи яшаш турган квартиралари шахсий мулк сифатида расмийлаштириб берилди. Шунингдек, 106 нафар ўқитувчи уй-жой куриш учун ер участкаси олди. Бу масалада «Правда», «Коммунист», «Маданият» жамоа хўжаликлари раҳбарлари натта ерда берди. Гап меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳаётини муҳофаза қилиш ҳақида борар экан, районда ҳар бир оиланинг тақдир билан чуқурроқ қизиқишга эътиборини қаратди. Ҳозирги пайтда районда 145 минг аҳоли истиқомат қилади. Булар орасида албатта, ноғирон, ночор, кам таъминланган, шунингдек боқувчисиз қолганлар ҳам йўқ эмас. Яна шароити тобора мураккаблашмоқда бораётган бу даврда ана шундай кишиларни назардан четда қолдирмаймиш. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан

албатта, даладар, боғларда етиштирилган ҳосилнинг баракасига боғлиқ. Шу ҳақида нималар дея оласиз?

— Бу йил биз давлатга 61 минг тонна сабзавот етиштириб беришимиз керак эди. Шу кунгача 42 минг тонна топширилди. Шундан 17 минг тонна сабзавот аҳолига сотилди. Ҳали даладарда ҳосил кўп. Улар ҳам албатта, йиғиштириб олинади. Мева эса бу йил яхши бўлмади. Режани бор-йўли 22 фойза етказдик. Узум топшириш ҳам 30 фойздан ортмади. Бунинг турли сабаблари бор, албатта. Лекин мен баҳоналарни рўқча қилиб ўзимизни оқлашни истаман. Фақатгина бу камчиликларни келаси йил такрорламаслик учун эгр зарур чораларни қўраётганимизни билдириб қўймоқчиман, ҳолос.

— Ҳозирги пайтда меҳнаткашларнинг ҳаётини яхшилаш ва муаммоларини ҳал қилишда раҳбар кадрлар рол катта. Сизнинг районингизда кадрлар билан ишлаш борадига нималар қилинган?

— Дарҳақиқат, кўп нарсалар раҳбар кадрларга боғлиқ бўлади. Бизда тадбиркор, ишбилармон, ушбу раҳбарлар аниқгина. Ноҳиядаги Илҳам номи паррандачилик ишлаб чиқариш бirlашмаси директори Тўйин Ортиқов, Ленин номи жамоа хўжалиги раиси Зоҳид Раҳмонов, «Узбекнефтгаз» филиали раиси Бобожонов, шунингдек «Қибрай», «Коммунист» жамоа хўжаликлари раҳбарлари қўл остида ишлаётганларга ҳар томонлама қўлай шароит яратиб бериш билан бирга ишлаб чиқаришни юксалтириш йўл-йўриқларини излаб топмоқдалар.

Кейинги пайтларда юқоридан буйруқбозлик бўлмаслиги, раҳбар кадрларнинг фоздаги маълумотлар асосида танлашмаслик яхши натижа берди. Жамоа фикри, аҳоли талаби билан ҳисоблаш шарафига яхши раҳбарлар кўпайди. Бироқ барча раҳбарлар ҳам талаб даражасида ишлайпти, деб бўлмайди. Бу эса жойлардаги иш, интизомни, муҳитни бузади, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини пасайтиради. Бугунги асосий масалалардан бири, менимча, иқтисодий билимга эга, ишбилармон, ҳалқ билан тиллаша оладиган кадрларни топиш ва уларга ёрдам бериш, обрўсини кўтариш, қўллаб-қувватлаш. Энг муҳими — раҳбар интизом, масъулиятни ҳис қила билсин. Барча раҳбар-кадрларга ҳам камтарлик, ўз-ўзига танқидий қарай билиш, шунингдек меҳнатдан чўчмаслик зарар қилмайди. Ушундангина кўзланган мақсадга еришиш мумкин бўлади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.
Суҳбатдош Р. УСМОНОВА.



ҚАДР ТОПГАНИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой АХМЕДОВнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Ўзбек муаррихнинг номи Иттифоқимизда ҳам, хорижда ҳам яхши билинган. Олимнинг ўтмишининг турли диварлари тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи жуда кўп мақола ва рисолалари chop этилган. Бўрибой Ахмедов ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг таърихий тақомили соҳасида йирик мутахассис ҳисобланади. Яқинда бир муаммо бизни у кишига мурожаат қилишга мажбур этди. Гап шундаки, ноҳияга Қибрай номи берилётгани хусусида хабар пайдо бўлиши билан уни матбуотчилик қаторида инкор этувчилик ҳам кўпайди. Шу боис ном этимологияси хусусида фикр билдиришни ҳурматли олимимиздан илтимос қилдик.

Я Н Г И НОМИ— «ДАВР ОВОЗИ»

Район руҳномаси «Коммунизм тоғи» янги ном билан чина болади. У меҳнаткашлар талаби асосида «Давр овози» деб аталди. Янги йўналишда иш бошлаган муҳаррират ходимлари руҳноманинг бу сонига махсус тай ёрғилар кўрдилар. Унинг саҳифаларидан мустақилликка эришган Ўзбекистонимизга бағишланган мақолалар, мақола, аниқ кўнларда тарихий номин олган Қибрай райони фидокорларига бағишланган қасда ва бошқа материаллар ўрин олди.

«Давр овози»нинг исми мазмунига ҳамisha монанд бўлсин. Унинг ютуқлар ва камчиликлари ошқора айтиш, меҳнаткашларнинг иқтисодий тангликдан ҳалос этиш, баркамол иқтисоди тарбиялаш борадиган жаттовар руҳга руҳ қўшишларсин.

Биз, «Давр овози» жамоасини руҳноманинг ўзгача тугилгани билан чин дилдан қутлаймиз, унинг ижодкорларига зафарлар тилаймиз.

«ГЕОФИЗИКА» кўргони амбулаториясида беморларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу ерда ўрнатилган замонавий чет эл медицина жиҳозлари касалликни тез ва тўғри аниқлашда ёрдам беради. Суратларда: ҳамшира Солига Эркингонова беморни назорат қилмоқда; амбулатория биносининг ташқи кўриниши.



Авалло шунинг айтиши керакин, номлар кўпинча шу ҳудудда яшаган маълум халқ ҳаёти, яшаш шароити билан боғлиқ ҳолда юзага келади, — деди Б. Ахмедов. — Чунинчи ноҳияда Арғин, Дўрмон, Уймутов, Қипчоқ, Сирғали, Қангли, Мангит, Найман, Қиёв, Буларнинг бари қадимий туркий қавмлардир. Шу ерда нозик бир масалага дахл қилиб ўтиш зарур. Туркий қавмлар этник таркиби ҳақида гапирганда, уларнинг ҳозирги Туркiston заминига яшаётган миллатларга айрича тааллуқли, деб қараш ярамайди. Барча илмий асарларда қабил ва уруғлар туркий этник қатлам сифатида бутун ҳолида талқин этилади. Энди Қибрай номига келсак, у ҳам туркий уруғ деган фарз мавжуд. Ўзбекистоннинг барча ерда Дўрмон номи учрайди. Бу топоним ҳам туркий халқ уруғининг номи бўлиб, мўғулча «турт» деганидир. Яъни Дўрмон уруғи турт қабилга бўлинган бўлиб, Қибрай шу қабилалардан бири. Шунингдек «Қибрай» топоними «кубро» деган сўздан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. Кўбро энг улуг, энг обрўли кишиларга берилган сифат. Қибрайда

1725 йили машҳур Қибрай ботир яшаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тахмин ҳам тўғри бўлиши мумкин. Умуман олганда, шахсан менинг ўзим ноҳияга Қибрай номи бериш тарафдориман. Вир пайтлари ўзбек ҳам кичик бир қабиланинг номи бўлган эди. Эндликда унинг номи билан бутун бир жумҳурият аталмоқда. Қибрай кишиларнинг тарихий жой эканлиги, бу сўзда оҳангдорлик, майинлик мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, ноҳияга Қибрай номи берилгани ва унинг қадр топгани қутлуғ бўлсин.



ҚИБРАЙ яхна ичимликлар комбинатида қуилик топширилгани мунтазам сифатли бажариб келаятган ишчилар кўп. Суратларда: (чапда) минерал суз цехининг шиша жойловчиси Дилбар Сандахмедова ҳамда лимонад цехи ишчиси Озода Шокироваларни қўриб турибсиз; толи ичимликлар цехи (ўнгдан) пастда) ҳамша озода ва шинам.

Сураткам В. ТУРАЕВ.

ЭҲТИЁЖНИ ҲИСОБГА ОЛАЙЛИК

Эндигина ўз қаддини тиклаб келаятган комбинатимизда мушкул аҳволда қолди. Узингиз ўйланг, тайёр маҳсулот бўлсаю уни истеъмолчи етказиб бериш учун оқдигини шиша идишлар етишмасе?

Жумҳуриятимизда биргина Куваосида шундай идишлар ишлаб чиқарилади. Шунда ҳам сирими бир литри бўлган идишлар. Бир қорхона бутун жумҳуриятимиздаги консерва тайёрловчи цех ва комбинатларини таъминлай олармиди? Йўқ, албатта. Бинобарин, йил сайин бундай қорхоналар кўпаймоқда, колхоз-совхозлар ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаб, ўзлари сотишни афзал кўрмоқдалар. Ахир ким ҳам ўз ноини «туя» қилдиргани келад?

Демак, мустақил жумҳуриятимизнинг кейинги истиқболини, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўйиштиришни қўлаб турли сингидиги шиша идишлар тайёрловчи йирик қорхоналар қуриш режаларини белгиланмоқда. Моҳомки, сабзавот, мева Ўзбекистоннинг асосий бойликлари билан бир. Уни жаҳон бозорига чиқариш масаласи қўлаб келган экан, биз собик иттифоқдошларимизнинг марҳаматига маҳал бўлиб ўтирмаслигимиз лозим. Қорхона бугунги кунда ўз

Хушвақт ОМОНОВ, Янги Тошкент консерва комбинатининг ишчиси.

А С О С И Й ЙЎНАЛИМИЗ

мушкул дамларда инсон омили аҳамият бериш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояга олиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш кун тартибидан тушмаслигини керак эди. Бирлашма мамлакат раҳбарор ишлашга, режалар ва ўзаро аҳдиномалар шартларининг ортиги билан бақарилганига, ишчи-хизматчилар тўғрисида мулоҳамаси қўраётганимиз замин бўлапти, десак янглишмаймиш. Бир пайтлари бирлашмада кўнминсизлик

Нарх-наволар қўқисдан ҳаволиниб кетган кезде касаб қўмитамиз олдига бир савол қўйилган: турди: нарх ислохоти муносабати билан ишчиларга қўшимча тонов пули тўлаш керакми ёки «президентлик эҳсони» деб ном олган 60 сўм билан қиёяланиб қўя қолсак етарлимикин? Кейинчалик турмушнинг ўз тонов сифатида берилган 60 сўм оила учун урвоқ ҳам бўлмаслигини кўрсатди. Бирлашма раҳбарияти ва иқтисодчилари парранда-боқарларга қандай қилиб мадад бериш мумкинлигини хусусида ўйлаб қолди. Қарасак, даромадимиз етарли, тонов пулини ёпириш имкониятига эгамиш. Ўзаро келишиб шундай қарорга келидик: 60 сўм тонов пули ҳар ишчи-хизматчининг оиласига қўйилсин, бундан ташқари ҳар ойда қўш ўтув 20 сўмдан, тушлик учун 40 сўмдан қўшимча пул тўласин.

Албатта, бирлашма маъмуриятининг бу қарори ҳаммаи суюқтирди. Бу — иш уюмга, ҳодимлар қўнимига ҳам яхши бўй таъсир кўрсатди. Бирок қимматчиликнинг эҳсонидан қўйиб, ўз қарорларимизни қайта қўриб чиқини таъвоэ этди. Ҳар ойда

Қибрай райони жумҳуриятдаги энг йирик илмий марказ ҳисобланади. Бу ерда 13 та илмий-тадқиқот институт ва Тошкент Аграр Дорилфуни факультет кўрсатмоқда. Институтларда 21 нафар фан доктори, 344 нафар фан номзодлари меҳнат қилади.

«Қишлоқ Ўзбекистон» жамоа хўжалиги маданият саройи қошида байналимал-маданий марказ факультет кўрсатмоқда. Унда ўзбек, қозоқ, рус, тожик, қрим татар ва бошқа миллат вакиллари секцияларда иш олиб боришмоқда.

Мавжуд 23 та клуб ва маданият уйлари район аҳолиси хизматига. Қибрай районида истеҳкомат қилувчи 40 дан ортиқ миллат вакиллари маданий масканлар янада жиҳлаштирилади.

Қибрай районида 7 та жамоа, 4 та шўролар хўжалиги, шунингдек 3 та паррандачилик фабрикаси ҳамда лимонарий колхоз-комбинати бор.

